

Эксплуатациянинг вазифалари:

Ҳар хил сув манбаларида жойлашган ва бир суғориш тизимиға хизмат қилувчи сув омборлар гурӯҳи ва каскади учун эксплуатация умумтезкор ва техникавий эксплуатация қоидалари бўйича амалга оширилади.

Умумтезкор эксплуатацияни қарамоғида сув оқими сув омборлари ёрдамида бошқариладиган ва қайта тақсимланадиган дарё ҳавзалари бўлган ташкилотлар амалга оширадилар.

Умумтезкор эксплуатациянинг вазифалари:

Сув оқимини мавсумий ва кўп йиллик бошқаришни ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳавзадаги табиий сув оқимини тежамкор ва мақсадга мувофиқ равишда бошқариш;

- ушбу суғориш манбасининг тартиботини унда жойлашган сув омборининг (ёки бир неча) иш тартиби билан боғланган ҳолда тежамкор ва мақсадга мувофиқ равишда бошқариш;
- сувга бўлган талабни қондириб бориш;
- сув омборидан фойдаланишининг узлуксизлигини таъминлаш.